



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ МАРАТ АХМЕТЖАНОВИ
ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Президентта вазирлик томонидан жорий йил бошидан амалга оширилган ишлар, шу жумладан, жиноятчиликкінг олдники олиш, ушыган жиноятчилика қарши кураш, шахсий тарқибда интизом ва қонунийликкін мустаҳкамлаш борасыда амалға оширилтеган чора-тадбірлар ҳақыда маълумот берилди.

Қасим-Жұмарт Тұқаев Қозогистон халқында Мактуба белгилінген вазифалар иккиси ҳақида ахборот берилди. Хусусан, интернетдеги фирибгарлар, гиёхванд мөддәларнинг ноконунай алланымы ва ушыган жиноятчиликка қарши кураш күчтірілди. Ойлавиң низолардан келип чикадын жиноятларнинг олдники олишга алохидә этийбор қаратылмоқда.

Марат Ахметжанов Россия Федерациясы фуқароларының мамлакатта көлши муносабати билан ички шаралардың томонидан күрилаёттан чора-тадбірларға ҳам тұхталағы үтді.

Шүннингдек, Давлат раҳбарына ишлар вазирилгіннен расмиятчиликкінде халос болыш, иш жараёнине рақамлаштырылауда да автомобилшырыш, ички тартиб-қырдаштарның күлайлапшырыш борасыдагы фоалияттері ҳақида маълумот берилди.

Ийгилиш яқунларига күра, Президент мамлакатда хукуқ-тартыбын жаомат жағдайда хавфзизлігін таъминлаш даражасын янада ошириш, миграция масаласын са-маралы назорат қилиш юзасыдан қатор топширилдері берді.

Akorda.kz.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Давлат раҳбари Қ. Тұқаев Халқаро шаҳмат федерациясы президенти Аркадий Дворковични қабул қилды.

Президент Аркадий Дворковични Халқаро шаҳмат федерациясы (ФИДЕ) президенти этиб қайта сайланиши муносабати билан табриклиди.

- Қасим-Жұмарт Тұқаев раислигіда Испохотлар бүйінша Олий көнтешнің нағылдағы үйгілиши үтді.

Тадбірда таълим соҳасидагы муаммолар мұхоммада күлиниди.

- Қозогистон, Озарбайжон, Туркия ва Ўзбекистон илк бор күшіма ҳарбий машгұлолтар үтказды.
- Шымкент шаҳрида Ўзбекистон Давлат божхона күмістасы делегациясы билан иккиси томонлама учрашып үтді.

Томонлар Қозогистон ва Ўзбекистон Республикалары Ҳукуматлары үртасыда божхона хизматлары ваколатханаларының очиш түркесидеги Битим лойиҳасын имзоладылар.

- Италиялық астронавт Саманта Кристофоретти Халқаро космик станция(ХКС)сінін башқарған би-ринчи европалик аәл бўлди.

Саманта Кристофоретти итальян, инглиз, немис, француз ва рус тилларда эркін сұзлаша олади. У, шунингдеги, ЮНИСЕФ әмбиджері.

- Қозогистон БМТ рейтингінде электрон ҳукуматын ривожлантириш бўйича 28-уринда.
- Қозогистон ва Россия нефть ва газ соҳасидаги лойиҳаларни мұхоммада қилди.

• Үқиб, ёд олинг!



Собир ШОМУРОД



Сурнайим

Чертсам сұзлар тилге кириш шұх торим,
Булбул каби сайрап мәгрүр дүторим.
Демагайсан аларни ҳеч бегона,
Созлар ичра ягонасан, сурнайим,
Қайгуларга бегонасан, сурнайим.

Сурнайчи-ю, сурнайларнинг сөхри бор,
Күйгә құштан қалб күри-ю мекри бор.
Күхнә сирли наволарга сирдошсан,
Созлар ичра ягонасан, сурнайим,
Қайгуларга бегонасан, сурнайим.

Боболарни селкіллатиб ўйнаттаган,
«Ер-ёр»га жүр момоларни інгілтеген.
Келин-күйә юрагини ўйнаттаган,
Созлар ичра ягонасан, сурнайим,
Қайгуларга бегонасан, сурнайим.

Қаддинг ёғоч, қамишдан шұх тил чиқиб,
Санъаткорлар нағасидан жон битиб,
Гоҳ тановар, дилхироғта күйлаган,
Созлар ичра ягонасан, сурнайим,
Қайгуларга бегонасан, сурнайим.

Дилға сирли хонишларнинг хүш ёқар,
Тұлқынлаби қалб, құлдардан ёш қалқар,
Ногора-ю, доиралар жүр бұлған,
Созлар ичра ягонасан, сурнайим,
Қайгуларга бегонасан, сурнайим.

Хар күн бўлсин элда тўю-тантана,
Аждодлардан қолған удум-анъана,
Қизни олиб күёв томон үзатган,
Созлар ичра ягонасан, сурнайим,
Қайгуларга бегонасан, сурнайим.



Жанубий Қозогистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба күнлари чиқады

japubiy.kz

2022 йил 1 октябрь, шанба №107 (3160).

• Жаҳонда тенги йўқ пойга



Мамлакатимизда илк бор ташкил этилган “Буюк даشت саёҳати” республика марафон-тантлови якунланды. 11 кунда 1200 чақирим ма-софани босиб ўтган марафончилар Туркистан шаҳрида кутуб олинди.

“БУЮК ДАШТ САЁҲАТИ” ПОЙГАСИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Учрашув гурухи таркибига Қозогистон Республикаси Маданият ва спорт вазири Даурен Абаев, «AMANAT» партиясининг ижроия котиби Асхат Үралов, Туркистан вилояты маслахати котиби Қайрат Балабиев, Туркистан вилояти ҳоқими Үрнинбасари Сакен Қапқаманов ва бошқалар кирди.

Мусобақада иштирок этиш учун Қозогистоннинг 19 вилоятидан чавандозлар таклиф этилди.

Мусобақа голиби – Манғистов вилоятининг күймүйінок жамоаси 24 миллион тенгелек сертификат соҳиби бўлди. Иккинчи ўринни егаллаган Жетисү вилоятининг “Жетисү” жамоаси 12 миллион тенге билан тақдирланди. Маррага учинчи бўйлаб етиб келган Туркистан вилоятининг “Терискей” жамоаси 9 миллион тенге – пул мукофотига сазовор бўлди.

Давлат раҳбари Қасим-Жұмарт Тұқаев Туркистан вилоятига амалий ташрифи ҷигода мазкур лойиҳа шаҳрида қарши кураш, шахсий тарқибада спорт турларини замонавийлаштириш орқали маънавий юксалишига замин тайёрлаш эканини таъвидлади.

“Буюк даشت саёҳати” марафон-тантлови мам-

лакатнинг олти вилоятини (Астана шаҳри, Ақмұла, Қарағанды, Үлтів, Қызылорда, Туркистан вилоятлари) қамра болжа иштирок этилган умуммиллий пойтадир. Үнда иштирок этаттган чавандозлар Қозогистоннинг мұқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб, туркий халқлар пойтахти – Туркистан шаҳрига етиб келишиб. Маррага етиб келган иштирокчиларни Туркистан вилояти жа-моатчилиги олишилаб, кутуб олди.

Голибларни Қозогистон Республикаси Маданият ва спорт вазири Даурен Абаев, «AMANAT» партияси ижроия котиби Асхат Үралов, Туркистан вилояти ҳоқими Дархан Сатибалди, Миллий спорт турлари ҳамжамияти ижроия директори Бүлт Маханалын. Sportqory директори Асхат Сейсембеков қарши олди. От спорти мусобақаларда голиб бўлган спортчиларга сертификат ва медаллар топширилди.

Тақдирлаш маросимида Қозогистон Республикаси Маданият ва спорт вазири Даурен Абаев лойиҳа иштирокчиларининг жасорати ва бардошини баҳолаб, марафон анъанавий тадбирда гайланишига умид билдириди.

(Давоми 2-бетда). ►



Сиздан бошланур, аси тафаккур

БАЙРАМ МУБОРАҚ, АЗИЗ УСТОЗ-МУРАББИЙЛАР!

Ушбу күттүлгү айёмда сиз, захматкаш муаллимларга қалбимдазы юқсан хүрмат-эхтиром ва эззү тилакларни ўйлайтады.

Сизлар жаҳондагы энг бебаҳо бойлик ва боқий меросни яратиш, уни ҳалқымизга, ёш авлодимизга безавор етказыш түйнди чинакам фидойилик намуналарини намоён этиб меҳнат құлағеттаган улуг инсонларис. Бу улкан бойлик – ақл-закватов айлам, бу ўлmas мерос – яхши тарбиядир.

Тараққёттинг тамал тоши ҳам, мамлакатты құдратты, миллатты буюк құладыған күч ҳам илм-фан, таълим та-тарбиядир. Демакки, Яңы Қозогистоннинг тақдирли ҳам сизнинг құлғингизда.

Сиз, азизларни күттүлгү байрамингиз билан табриклаб, барчанғизга сұхат-саломатлик, баҳт-саодат, эззү фаолияттингизда улкан мұваффақиятлар, хонадонларнанғизга файзу барада тиляб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ

ТУРКИСТАН ВИЛОЯТИ АХОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2022 йил 20 ноябрда ўтадиган Президент сайловида овоз бериш учун фуқароларга ўз сайлов участкаси ҳақида зарур маълумотлар бериш мақсадыда Telegram мессенжерида Туркистан вилояти ахолиси учун махсус бот ишга туширилди. (https://t.me/tur_saylaw_bot) ва Туркистан вилояти ҳоқимларының расмий сайтида эълон күлгенді.

Ушбу воситалар ёрдамыда Сиз 2022 йил 20 ноябрда ўтадиган Қозогистон Республикаси Президентинин сайлов куни овоз берадиган сайлов участкаси ҳақида батағисил ахборот (рақами, манзили, алоқа воситалари) олишиңиз мүмкін.

Күшімча саволлар бўйича 109 Call-марказига мурожаат қилиш мүмкін. 109 Call-маркази 24/7 тартибида иш юритади.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР



“Құлай мактаб” миллий лойихаси бўйича Туркестон вилоятида 86та мактаб барпо этиш режаланган. Президент раислигига ўтган Испоҳотлар бўйича олий кенгашда кўриб чиқилган “Құлай мактаб” умуммиллий лойихасини амалга ошириш масаласига кўра Туркестон вилоятининг ҳокими Дархан Сатибалди соҳага масъул раҳбарларга аниқ топшириқлар берди. Янги намунадаги мактаблар барпо этиш, муҳандислик тизимларини юритиш, педагог кадрлар билан таъминлаш ва курилишини вақтида якунлаш юзасидан топшириклар юкланди. Бу орқали уч сменали, харобали, эскирган мактаблар сонини камайтириш кўзланган.

– Давлат раҳбари раислигига ўтган Испоҳотлар бўйича олий кенгашда 2023 йили қурилиши бошланадиган мактаблар учун ер участкасини ажратиш ва зарур инфратузимла билан таъминлаш юзасидан барча аниқ топшириқлар берилди. Шу билан бирга, таълим сифатини яхшилаш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлиши зарур, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

2023-2025 йилларга мўлжалланган республика бюджети лойихасида ушбу мақсадга 400 млрд. тенгедан зиёд маблаг ажратилади. Лойиха доирасида очилган мактаблар замонавий

фен кабинетлари, лабораториялар билан тўлиқ таъминланади. Туркестон вилоятида 900, 1200 ва 2000 ўрнини мактаблар барпо этиш режаланган. 86та янги, қулий мактабда 60 мингдан зиёд боланинг таълим олиши учун барча шароитлар яратилади.

Туркестон вилоятида жами 983 (жумладан 75ta хусусий) мактаб бор. Сўнгги йилларда 83та янги мактаб фойдаланишига топширилди, хозир 59ta мактаб барпо этиляпти.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

◆ Жаҳонда тенги йўқ пойга

“БУЮК ДАШТ САЁҲАТИ” ПОЙГАСИ ФОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тантанада сўзга чиқсан «AMANAT» партияси ижроя котиби Асхат Үралов Даشت анъаналари ва Буюк кўчманчилар маданияти қайта тиклангани билан табриклиди.

– Бугун барчамиз Буюк Даشتимиз ҳайратда қолдирган муҳим воқеаининг гувоҳи бўлмокдамиз. Пойтахтимизда 18 сентябрь куни “Буюк даشت саёҳати” биринчи республика марафон-танлови бошланди. Чавандозлар 11 кун давомида Буюк Даشتни босиб ўтиб, бугун туркӣ оламнинг маънавий пойтахти – Туркестон шахрига етиб келишиди. Марафон иштирокчилари қадимда барча қозоқ қабилалари бирлашган Улитов замини бўйлаб сайр қилишди, Жўчихон ва Алашон мақбарамарини зиёрат қилишиди, Қозоқ хонлигининг биринчи пойтахти – Сўзок шахри ва Қоратоғ төғларидан ўтиб, туркӣ маънавият бешиги – Туркестон шахрини зиёрат қилишиди. Улар Қозоқ Даشتининг руҳини тўлиқ ҳис килдилар. Лойиҳа ташкилотчилари



ва танлов иштирокчиларига миннатдорчиллик билдирамиз. Буюк Даشت бўйлаб бошланган пойга бардавом бўлсин, – деди Асхат Үралов.

Туркестон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди голибларни кутлар экан, миллий спорт турлари муҳлислиарини байрам билан табриклиди.

– Бугун биз қозоқ маънавияти ва спорти ривожи учун жуда муҳим тадбирiga йигилдик. Муқаддас шаҳарда Қозоғистонда илк бор “Буюк даشت саёҳати” республика марафон-танлови поёнига етиди. Бу вилоятимиз учун улкан шарафдир. Туркестон жадал суръатлар билан

ривожланмоқда, спорт иншоотлари сони ортиб бормоқда. Шу орқали минтақамизда спортчи ёшлар, чемпионлар кўпайшиши аниқ. Иккى ҳафта мобайнида қийинчиликларни мардонавор енгиб, юксак мақсад сари интилган барча иштирокчиларга алоҳида миннатдорчиллик билдираман. Улар 1200 чакирим масофани босиб ўтишиди. Бу жасорат. Миллий қадриятларимизни улуғлаб, от спортини ривоҷлантиришига қаратилган бундай лойиҳалар кўпаяверсин, – деди Д. Сатибалди.

Эслатиб ўтамиз, Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги ҳамда “Буюк даشت саёҳати” жамоат жамгармаси ташабbusi билан «AMANAT» партияси шафелигига “Буюк даشت саёҳати” республика марафон-танлови сентябрь ойида бошланган эди. Пойгачилар 11 кун давомида 1200 чакирим йўл босиб, Туркестонга етиб келишиди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

◆ “Оқ олтин – 2022”

Саврон тумани бўйича пахтани энг кўп етишиширувчи, 6880 гектар пахтани теришига киришган Эски Икон қишлоғига сафарим қишлоқ ҳокимлигидан бошланди. Ҳоким Дишлод Саидов тавсияси билан ташкилий бўлим мудири Турғун Аҳмедов, меҳнат амалиётини ўтайдиган олий мавзумоти мутахассислар – Шаҳзод Набиҳонов ва Дилруҳ Тоҳжиметовлар ҳамроҳлигига пахтазорга ўйл олдик. Вилоят оқсоқоллар кенгаси аъзоси, доимий обуначимиш Ирисқўл Аббосов ҳам бизга ўйлдош бўлди. Йўл-йўлакай деҳқоннинг кўклимаги шудгор, тескилаш, жўяк олиш, чигит экши, сугориш, ўғитлаш, гўзага ишилос бериш, ҳосилни пахта териши машинаси билан ўтиши, пахта тозалаш корхонасига етказиб бериш нархлари ошиб кетганини ги боси ҳозирги нарх-наво деҳқон меҳнатини оқламаётганилиги айтилди.

ПАХТАКОРНИНГ ДАРОМАДИ МЕҲНАТИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ ОҚЛАЙДИМИ?

“Юсуф ота” деҳқон хўялиги раиси Ахмаджон Султонов билан сухбатда бўлдим.

– Даламиз ёндан ер ости кабели ўтган. Қудуқ қаизисам, бирор кор-ҳол рўй бермасин, деб, гўзани факат ариқдан сугордим. Сув тақчил бўлди. Селитра ўта қиммат. Бир гектар пахтани комбайн билан тердириш 60 минг тенге. Пахтанинг нарихи деҳқоннинг фьючерс қарзларидан кутулиб, даромад олиши учун харид баҳосининг тоннаси 500 мингдан кам бўлмаслиги керак, – деди тажрибали деҳқон, ўзи каби минглаб пахтакорлар истагини изҳор этаркан. Унинг бу тақлифини деҳқон Абзуоир Муҳаммадов ҳам қўллаб-куватлади.

Олисдан терим комбайн кўринди. Рудла тажрибали механизатор-теримчи Фани Номуродов терилган оқ олтинни трактор тиркамасига моҳирлик билан ағдарди, бир тола пахта ҳам тўкилмади. Деҳқонларнинг маҳорати, қоноати, тажрибасига тасанно.

Фарҳий отахон Ирисқўл Аббосов билан Эски Икон қишлоғига марказидан Галим Пернешов раҳбарлик қилаётган “Қазақстан мактаба” МЧБга қарашли пахта тозалаш корхонасига ташриф бўюрдик. Корхона директори, доимий обуначимиш Носириддин Зиёев жорий йилга жами 10 минг



Корхона ҳовлисида пахтатозалаш корхонаси жамоаси аъзолари билан мулоқотда бўлдик. Носириддин Зиёев, Кулдариға Мейрман, Нилуфар Ҳайдарова, Мухиддин Абдиев, Олимхон Абдумажидов, Мажид Бобоев, Кулаҳмад Абдуқодиров, Мухтор Раисолов, Фозил Абдумажидов, Абдунаби Абдумажидов, Эҳсон Ҳонжоновлар доимий обуначиларимиз сафига кўшилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвириларда: учрашувдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

P.S. Об-ҳаёв пахтакорларни қўллаб-куватлаётгандек, етишишилган ҳосилни ўтишириб олиш учун хайриҳоҳлик кўрсатмоқда. Хирмонга барака, муносиб даромад тилаб, хайришадик.



Қасим-Жўмарт Тўқаев Абай вилоятига хизмат сафари билан борди.

“Қозоғистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида”ги Фармон

Қарор қиласман:

1. Қозоғистон Республикаси олдиаги улкан мувоффақиятлари ва алоҳида хизматлари учун тақдирлансан:

Туркестон вилояти бўйича

I даражали “Барыс” ордени билан:

Анарбек Ўнгарули Ўрман – Туркестон вилояти “Сув ресурслари-Маркетинг” МЧБ директори;

III даражали “Барыс” ордени билан:

Жарилқасин Азиретбергенули – меҳнат фахрийи, Туркестон вилояти;

“Парасат” ордени билан:

Қўйшибай Қўлбайули Арипбай – меҳнат фахрийи, Туркестон вилояти;

Нурғали Имажанов – Маданият ва спорт вазирлигининг “Казреставрация” РДКниг Туркестон филиали меъмори;

“Ерен ёнбеки ўшін” медали билан:

Марина Анатольевна Лимаренко – “Южный Казахстан” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” МЧБ директори – буш мухаррири;

“Шапагат” медали билан:

Пернебай Сапарбайули Аринов – “Қызыл Аскер” умумий ўрта мактаби муаллими,

Туркестон вилояти, Саврон тумани.

Шимкент шаҳри бўйича

“Парасат” ордени билан:

Бақтияр Байдуллаули Тайжанов – “Шымкент келбети” – “Панорама Шымкента” газетасининг бош мухаррири.

“Қўрмет” ордени билан:

Есенгелди Ибрагимули Бегешов – “2-сонли шаҳар касалхонаси” ДКК шифокори;

Бауржан Абшили Байтанаев – Фан ва олий таълим вазирлигининг “А. Маргулан номидаги Археология институти” ДКК бош директори.

“Ерен ёнбеки ўшін” медали билан:

Ксения Александровна Хан – “Шымкент шаҳар олий спорт маҳорати мажмуавий мактаби” ДКМ спортчиси.

“Шапагат” медали билан:

Асема Мұхтарқизи Үсенова – Шымкент шаҳридаги “89-сонли IT мактаб-лицей” тарбиячиси.

2. Мазкур Фармон имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Қ. ТЎҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти.
Астана, Ақўрда,
2022 йил 26 сентябрь №1022.



Қасим-Жўмарт Тўқаев Абай вилоятига хизмат сафари билан борди.

• Халқаро анжуман

Дўстлик – Эътиқод кўзгуси

Шимкент шаҳридаги Қозоғистон халқи Ассамблеяси биносида Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 30 йиллиги га багишланган "Марказий Осиёда халқаро муносабатларни ривожлантиришида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг роли" мавзуида халқаро анжуман ўтди.

Мазкур сиёсий-тарихий анжумандаги Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари М. Азилханов, Қозоғистон Республикаси ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари ҳамда Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Қирғизистондан ташриф буорган меҳмонлар иштирок этди.



Анжуманини Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов очди ва икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг самарали натижаларига тутханди.

Тадбирда Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазири Дарҳан Қидирилдининг анжуман иштирокчиларига табриг ўйқи эшиттирилди. «Бепоён заминимизда тақдир тақосози билан бирлашган барча элатларнинг мустаҳкам бирлигини сақлаша, яхлит халқларвэр жамият пойдеворини мустаҳкамлаш барчанинг бурни. Сизлардан қардош мамлакатларни ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган янги foяларни кутамиз», дейилади табрик матнида.

Дастлабки сўз Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари, ҚР Денони ҚҲА котибияти мудири Марат Азилхановга берилди.



– Қозоғистон ҳамиша халқнинг бирдамлиги, жамиядаги тинчлик ва барқарорликни барчасидан устун қўйиб келади. Марказий Осиё халқларининг ҳамжihatлиги ва ишончли муносабатлари бизнинг энг муҳим қадиряларимиз бўйли, бугунгукунда у янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Халқаро сиёсий масалаларда ҳам Қозоғистон ва Ўзбекистон бир-бирини кўллаб-куватламоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ЕХХТ, Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти, МДХ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби қатор нуфузли тузиблар билан самара-ли ҳамкорлик қўлимомда. Айниска, сўнгги йилларда Қозоғистон ва Ўзбекистон давлат рахбарларининг сиёсий иродаси ҳамда ўзаро интишлиши туфайли азалий дўстлик, яхши қўшичиллик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида улкан натижаларга эришилди. Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон ва Ўзбекистон тинчлик ва тутувликини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорликнинг устувор йўнилишига эга.

Ушбу халқаро анжуманинг Шимкент шаҳрида ўтаётгани бежиз эмас. Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги алоқалар буғунги кунда барча соҳада изчил ривожланби бормоқда. Айниска, Шимкент шаҳрида иқтисодий ва гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб, таълим, маданият, маънавият соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Учинчи мегаполис – Шимкент шаҳри ахолисининг 17 физиони ўзбеклар ташкил қиласиди. Улар она тилида таълим олади, газета ва журналлар чон этилди, ўзбек драма театрига эга. Бизни умумий тарих бирлаштириади. Ўзбекистон Қозоғистоннинг ишончли дўстли, стратегик ҳамкоридир, – деди М. Азилханов.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажҳамаси кошидаги миллатларро муносабатлар хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раисининг ўринбосари Азamat Тошев сўзга чиқди.

– Ўзбекистоннинг очик, дўстона ва pragmatik ташки сиёсати натижасида кейинги йилларда қўшини, яқин ва олис мамлакатлар билан мутлақо янги, согласно сиёсий-иктисодий ва маданий алоқалар йўлга кўйилган. Ўзбекистонда Абдураҳмон Жомий, Махтумкули Фиродий, Абай, Чингиз Айтматов каби қўшини давлатларини топширилди.

Мухтабар УСМОНОВА.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



Дўстлик ришталари ва

ШИМКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ, МАДАНИЯТИ

Тантанани Қозоғистон Республикаси ўзбек этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов очди. У давлат раҳбарлари – Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Миризёевнинг мунтазаси мулқотлари дўстона ва сарнадарлари мазмун-моҳиятга эга эканлигини, икки томонлама муносабатларни барқарор

ривожланшиига кўмаклашашётганини, бу минтақавий барқарорликни янада мустаҳкамлашшиига, Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлиги салоҳиятини намоён этиш ҳамда мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона, яхши қўшичиллик анъаналярини кўллаб-куватлашшиига айланганини таъкидлади.



Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганинг 30 йиллигига багишланган тадбирда Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари Марат Азилханов, Шимкент шаҳри ҳокими ўринбосари Шингис Муқан, ҚР Парламент Мажлиси депутати Фахриддин Қоратоев, Ўзбекистон делегацияси, "Ўзбек туризми"нинг 25 нафар ходими, таникли санъаткорлар, ёзувчилар ва бошқалар иштирок этдилар. Уларнинг ўзбек этноси шаънига илиқ тилаклари, халқа

лиси раиси Э. Қўшановнинг табригини ўйқиб эшиттириди. Икромжон Акром ўғлини 65 ёшга тўлиши муносабати билан табриклади.

Миллатлараро муносабатлар ва маънавий-маърифий ишлар бўйича раис ўринбосари Азamat Тошев ҳам Икром Акром ўғлини кутлуғ ёши билан табриклаб, совфа-саломларни топшириди.

– Миллатлараро тутувлик ва бағрикенглини таъминлаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифа этиб белгиланган. Бугунги кунда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мамлакатимизда фаолият юритаётган жамиати 150ta миллий маданий марказ, 38ta дўстлик жамияти ва хорижидаги ватандошларнинг 38ta жамияти билан ҳамкорлик қўлимомда. Миллий маданий марказларнинг асосий вазифаси мамлакат суверентитетини мустаҳкамлаш, давлатнинг ҳудудий яхлитигини таъминлаш мақсадларига эришишдек олижаноб ғоя атрофида миллатларни бирлаштириш орқали Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётга хисса қўшишдан иборат экан, қардош Қозоғистон халқи билан азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш масаласи доимий этиб борда бўлади.

Байрам баҳона чегара ошиб келган санъаткорлар Гиёс Бойтөев, Абдулла Шомагрупов, Элмурад Зиёев ва бошқалар ушбу шукухли шодиёнага файз киритиди.

"Дўстлик уйи"нинг кираверишида ўрнатилганинг сурʼиардаги миллий либослари ярашган нуроний отаҳонлар, ўзбек либосларини намойиш этган лобар қизлар, амалий санъат намуналарини тақдим



хизмат қилишини шарафли бурч деб билган катор таникли инсонларга топширилган ташакурномалари, "Жамоат фидойиси" медалини ва самимий дил изҳорлари гулдорс қарасклар билан қарши олиниди.

ҚҲА раисининг ўринбосари М. Азилханов Ўзбекистондан келган мемонларга эсадлик совгалирни топшириб, икки қардош эл ўртасидаги маънавий, маданий, иқтисодий алоқаларни қандай ривожланётганини ҳақида гапириб берди.

– Қадимдан туғишган қозоқ ва ўзбек халқлари Туронни макон тутиб, қийинчликни ҳам, куончини ҳам бирга баҳам кўрди. Бизнинг тарихимиз ҳам, орзу-истакларимиз ҳам муштарак. Қардошликимиз тил билан томир отиб, анъаналяримиз билан давом этмоқда, урфодатларимизга мос йўғрилмоқда. Қардош ўзбек халқи нафақат чегарадош қўшинимиз, балки жигаримиздай туғишган. Барчанзигза маълум, сўнгги йиллар мобайнинда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари мустаҳкамланиб, янги даражага кўтарилди. Мустақиллик йилларидаги иккича давлат раҳбари учрашувлар ўтказиб, қардошликнинг бебаҳо намунасини, қўшичиллик муносабатларининг мустаҳкамлигини исботлашди. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий-иктисодий алоқаларни ривожлантириш Сиз ва бозга юқатилган энг буюк вазифа. Бу борада келгусида ҳамкорлика амалга оширадиган тадбирларимиз етарли деб ўйлайман, – деди у.

Шунингдек, ҚР Парламенти Мажлиси депутати Фахриддин Қоратоев сўзга чиқиб, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси



этган усталару чеварларнинг кўргазмаси ҳам мазкур тадбирни янада мазмунли этди. GES ўкув маркази (академ. директорлик эксперт Дилором Мирсолиева бошчилигида), Зиёмат Ҳусанов номли мактаб музейи, "Ленгер музқаймоғи" ва бошқа турли компаниялар, Шимкент шаҳрида мактаблар, шу жумладан, 109-сонли (директори Асқар Умаралиев), Ю. Сарёмий номли 107-сонли мактаб (директор Баҳодир Нуралиев), Мукимий номли 13-сонли мактаб (директор Луиза Собирова), Абай Қунанбаев номли хусусий мактаб (директор Жанна Буркулова), А. Исмоилов номли касб коллежи (директор Гулчехра Исмоилова) ушбу кунда "Дўстлик"га кўрк бериши.

Байрам иштирокчиларига 120 кг. палов ва "Балмұздак" корхонасининг музқаймоқлаштирилди.

Шодиёна иштирокчиларининг тадбир ҳақидаги фикрлари билан қизиқидик.

ҲАМЖИҲАТЛИК УЛУГЛАНГАН БАЙРАМ

ВА АНЬАНАЛАРИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ



Дилноза Ваҳбова, Сайрам туманидаги «Далабозор» мактаби ўқитувчи:

— Кенг қамровли байрам кўпчиликка манзур бўлди. Саньнатимиз ютуқларидан кувондим. Сахна усталигининг чикишларини алоҳида тъкидлашни истардим. Келгусида ҳам турли ўйналишларни хисобга олган ҳолда ҳалқ санъатига эътибор янада юксак бўлишига тилакдошман.

Ўсмонали ҚОДИРОВ, Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси:

— Шубу байрам Қозогистонимизда хукм суроётган тинчлик-тотувликнинг рамзларидан биро сифатида мухим. Бу каби тадбирларда туманимиз ахолиси доим фаоллик танитади, байрамни ўтказишга салмоқлиқ чисса кўшишга интилади. Амалий санъат намуналари кўргазмасини ўштириша, урф-одатларимизни намойиш этишда қатнашган фаолларимизга миннатдорчilik билдираман.

Зарифжон ҚОДИРОВ, санъаткор:

— Бугунги байрам мен учун жуда мароқли бўлди! Уни шундай юксак даражада ташкил этган, ташрифи билан кўпчиликни қувонтирган



эл оғаларига самимий миннатдорчилигимни билдираман. Ўртдошларимиз олдида саҳнага чикиш масъулиятни синовдек туолади. Қарсанларни ўштарканман, ҳали мумкаммал санъаткор даражасига етмаган фарзандини кўллаётган ҳалқимиздан миннатдорчиллик хисси юрагидан тутгун уради.

Луиза СОБИРОВА, Муқимий номли 13-сонли ўрта мактаб директори:

— Шубу байрамда мактабимиз жамоаси, ўқувчилари фаол иштирок этишиди. «Паҳлавонлар»

Маданият ва маънавият



Қадрли ватандошлар! Бугунги тадбир иштирокчилари!

Барчанизни Парламент Мажлиси ва "AMANAT" партияси номидан қардош мамлакатлар – Қозогистон ва Ўзбекистон орасида дипломатик муносабатлар ўрнатилингизга 30 ўйл тўлиши муносабати билан чин қалбимдан тақдирлайди!

Ҳалқимизда қадимдан "қозоқ-ўзбек туғиши" деган гап бор. Ўзбек оғайнилар туғишини олис сафарга кузатётганда "Ҳамроҳинг қозоқ бўлсин" деб фотиҳа қилишади. Қозоқ ўзбекни "Ўз оғам" деб ҳурмат қилиади.

Буларнинг барчаси мамлакатларимиз орасида илдизи тераңда ётган тарихий алоқалар, дўстлик, қардошлиги мизнинг ёрқин кўринишидир.

Ҳалқларимиз қанча-қанча қийинчлик даврларни бошидан ўтқазган бўлса-да, ўтадаги ўзаро ҳурматга дарз туширмай, истиқлол тонг отган фараҳбахи кунлардан тотувлигимиз тараққиётнинг янги, мунаввар ўйига тушиб, расмий дипломатик муносабатлар ўрнаниди.

Элларимиз ўртасидаги алоқалар иккι давлат раҳбарининг ишончли ҳамкорлиги натижасида жадал ўйла тушшиб, барча соҳаларда юксак даражаларга дарожаларга тақдирлайди.

Айниска, савдо-иқтисодиёт, иштимоий-гуманитар, маданий ўйналишдаги ютуқларимиз салмоқлидир.

Ҳозир Қозогистон Президенти Қасим-Жўмарт Кемелулу Тўқаев ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кўши мамлакат муносабатларини янада ююри даражага олиб чиқишга куч сарфлашмоқда.

Бунга ўзбекистонга расмий сафари чигига имзоланган мухим стратегиявий ҳужжатлар ёрқин дашил дөши мумкин.

Қозогистонда ўзбек миллати ўирин этнослардан бури. Бизнинг мамлакатимизда ўзбек этносининг равнақи, маданий қадриятларининг ривожланишига барча имкониятлар яратилган.

Ў наебатида ўзбек этноси вакиллари ҳам КР Президентининг мухим сиёсий испроҳотларини амалга ошириш, ягона миллат бирлигини таъминлаш, янги Қозогистонни биргаликда барпо этишига салмоқли хисса кўшиш мөқдалар.

Бу минг асрлардан бўйн авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган қозоқ-ўзбек ҳалқларининг синалган дўстлиги, ажралмас бирлиги тобора мустаҳкамланётганинг ёрқин дашилди.

Тантинали тадбирни ташкил этишига хисса қўшган Қозогистон ўзбек этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамиятиягина миннатдорчиллик билдираман.

Қардош ҳақларимизга тинчлик, баҳт-барака ҳамда равнақ тилайман!

**Ерлан КўШАНОВ,
Қозогистон Республикаси
Парламент
Мажлиси раиси.**

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Сизларни "Қозогистон ҳалқи Ассамблейсининг ҳалқаро муносабатларни ривожлантиришадиги ўрни" мазуидаги ҳалқаро анжуманнинг муваффақиятли бошланши билан чин дилдан табриклайди.

Юртимиздаги томори теран, томутуплик ва умуммиллий ҳамжиҳатли Адолатли Қозогистон юксалиши ҳамда унинг ҳар томонлами тараққий этишининг бош томойилларидан бури ҳисобланади.

Бепоён заминимизда тақдирларини туташтирган барча этносларини томутувлигини сақлаб, ҳамжиҳат жамиятининг асосини юксалтиши – барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Маълумки, қардош қозоқ ва ўзбек ҳалқларининг илдизи ягона, тарихи умумий, маънавий мероси, теран қардошлар муносабатлари ва икки мамлакатнинг ёрқин ва истиқболли келажакка покиза орзулари бирлаштирип келган.

Бу борада анжуман иштирокчилардан мамлакатларимизнинг ҳамжиҳатлигигин янада ривожлантиришининг янги гояларини кутуб қоламиз. Шу билан бирга, мазкур учрашув Ассамблейнинг ҳалқаро миқесдаги янги қирраларини очиб беришига ишончимиз комил.

Учрашув ташаббускори Қозогистон ўзбеклари этномаданият бирлашмаларининг "Дўстлик" ҳамжамиятияга қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш ўйлида кўшаётган улкан ҳиссаси учун миннатдорчиллик билди.

Тадбир ташкилотчиларига, уларни кўллаб-куватлаблаган иштирокчиларга ташаккуримни иззор этар эканман, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман!

Дархан ҚИДИРАЛИ.
Астана, 2022 йил.

Байрам таассуротлари

РУБОБИМ

ТОРИ ИККИДУР...

Шимкент шаҳрида "Марказий Осиё давлатлари ҳалқларининг асосий мақсади" мавзууда давра сұхбати ўтди.

Эртасига, "Дўстлик уйи" – Қозогистон ҳалқи Ассамблеяси биноси олдига карнай-сурнай садолари остида шаҳарлар, узоқ-яқиндан меҳмонлар ташриф буюриши. Бадиий қисм аввалида Шимкент шаҳар ўзбек драма театри актёрлари буюк мутафакир Мир Алишер Навоий, сохибқирон Амир Темур ҳамда улуғ файласуғ Абай Қунанбаевнинг сиймосида чиқиб, барча меҳмонлар эътиборини жалб қилиди. Тадбир аввалида Үзбекистон делегацияси ва барча иштирокчилар Абай Қунанбаев ҳайкали пойига гулдасталар кўйишиди.

Тадбир доирасида ташкил этилган кўргазмада ўзбек миллий пазандачилиги, миллий қадриялар, урф-одатлар, миллий либослар, тўй билан боялик қадрияларнан ўтмайши этилди. Байрам оши барча иштирокчиларга тарқатилиди.

Байрам шодиёналарида Үзбекистондан келган қатор сайделик фирма ва агентлик вакиллари ҳам ўз кўргазмалари билан иштирок этиб, мамлакатнинг муқаддас қадамларини, сайделикларни кадам ранжидаги сўлим гўшалари ҳақида атрофлича маълумот беришиди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, Үзбекистон ёзувчилар юшмаси номидан ташриф буюрган меҳмонлар "Дўстлик" ҳамжамиятияга 5 мингга турли адабий-бадий китоблар сонга қилишиди. Улар ўзбек мактабларига бепул тарқатилади.

Шунингдек, "Ватандошлар" жамоат жамғармаси томонидан ўтказилган викторина голиби Юлдузхон Жаҳонгирова ҳам 40та китобни кўлга киритди.

Айниска, Ўзбекистондан келган қатор сайделиклар, Ўзбекистонда ҳалқ артисти Гулбахор Эркулова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фиёс Бойтоев ва Абдула Шомаъруфов, умидли хонандалар Дилмурод Отажонов ва "Ниҳол" мукофоти совриндори Ақлек Пиёзовларнинг чишилари барчага манзур бўлди.

Тадбирда сўз олган фахрийлар "Қаёрада ахллик бўлса, шу ерда баҳт бўлади, тинчлик-ҳамжиҳатлик бор жойда барака бўлади", деб бот-бот тъкидлашиди.

Дарҳақмат, мунтакамиси келаҳаги иккি қардош давлат – Ўзбекистон ва Қозогистон олии бораётган сиёсатига, улар ўртасидаги ҳамжиҳатлика болглиқ. Анжуманда сўз олганлар ҳам мавзунинг шу жиҳатларини тилга олди.

Шу куни ўзаро мөхрға, хурфиксикка йўғирилган муносабатларимиз дил изҳорларида зоҳир бўлди. Камина тадбир иштирокчиси ва қолаверса, Қозогистон Республикаси Туркистон вилоятида тугилиб, Қозогистоннинг кенг даласида камол топиб, Ўзбекистонда олий маълумот олиб, шу бағри дарё миллатдошларим орасида ошиён топган ўзбек қизи бундай ҳайрли тадбирдан куч олиб, беътихёр шеър қораладим.

Иккى кўзим – иккى қарғоми, Ўзбек-қозоқ – иккى чирғоми, Туркистонда порласа шоним, Ўзбек элда яйрайди жоним.

**Дўст-и ногон Қозогистонда,
Чаман-богим Ўзбекистонда.
Руҳ олсан мен кенгликлар аро,
Илҳом жўшар Тошкентда гўё.**

Яссавийдан тараған шукух,
Юрагимдан баҳш этади руҳ,
Ана шундай баҳти аёлманд,
Иккى ҳалқа мўътабар жонман.

Салом билан келдим юртимдан,
Хушҳабарлар елар ортимдан,
Омон бўйсин иккى дўйрим,
Ифтихорим, номусим, орим.

Сайёра АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва мәърифат
маркази мультимедия студияси мутахассиси,
журналист.



• Бугун – Қариялар куни

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ...

Нуронийларимиз – жамиятимизнинг кўрки ва файзи. Илойим, улар ҳамиша бор бўлишисин...

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Бўтабой Содиков номли маҳаллада истиқомат қилаётган мөхнат фахрийси, “Қозғистон соғлини сақлаш аълоючиси”, олий тоифали шифокор Мурод Гажиев жорий ийли 84 ёшини қаршилиди.

Бутун умрини тиббиёт соҳаси-га багишлаган Мурод Айваз ўғли Грузияда таваллуд топган, тақ-дир тақсозиси билан юртимизга келиб, Тулкишиб туманида ўрта мактабни тамомлагач, Алмати шаҳаридаги тиббиёт институтида таҳсил олган.

У 36 йил мобайнида Сайрам қишлоқ касалхонасида бош ши-фокор лавозимида ишлади. Касалхонани малакали кадрлар билан таъминлаш, моддий-тех-ника базасини кенгайтириш, ўринлар сонини кўпайтириш, ян-ги бўлимлар очиши, беморларга малакали хизмат кўрсатиш бо-

расида самарали хизмат қилиди. Рафиқаси Гулзор ая (Аллоҳ раҳмат қилсан!) билан бирга опти фарзандни тарбиялаб, воя-га етказган. Ўғиллари Шавкат, Шароф, Фарид ва қизи Флора ота касбини давом эттиришмокда. Отаконининг ҳалол мөхнати юкори ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланган.

Шукурки, бугунги кунда у фар-зандлари ва 20 нафар набира аргодига баҳти умр кечирмокда.

Орамизда шундай қалби пок, эн-юрт назарида бўлган отакон-ларнинг борлиги кувончимиз.

• Китоб – маънавият чашмаси

Эски Икон қишлоғидаги 1-сонли мактаб кутубхонаси Саврон туман ўзбек этнома-данияни бирлашмаси раиси Қурбонбой Ирисбеков 20дан зиёд нодир бадий адабиёт-нари тақдим этди.



Байрам кунидаги узги билан бирга узок йиллар хизмат қилган ҳамкашлабари Аномрат Аҳмадкулов, Шомурод Ҳасанов, Акамал Иброҳимов, Азиза Тўламетова, Раҳима Расулметова каби тиббиёт ходимларининг номини хурмат билан тилга олади.

И. ТОЖИБОЕВ.

Тасвирида: тадбирдан лавҳа. Муаллиф суратга олган.

ЗИЁ УЛАШИБ...



ТИЛЛАРГА МУҲАББАТ – БОЛАЛАР БОҒЧАСИДАН



Тилга хурмат, меҳр-муҳаббат болалар боғчасидан бошланади. “Тил – миллат кўзгуси” мавзууда Қизилсув даҳасидаги “Назира она” болалар боғчасида ўтган тадбир фикримизнинг ҳәйтийлигини яна бир бор исботлади.

Мазкур муассаса тарбияланувчилари қозок, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги шеърларни байрон ўқиб, кўшик кўйла-дилар. Жажжи ўғил-қизлар ихосидаги жозибали рақслар ҳам этибор қозонди.

Тадбир меҳмонлари – ота-оналар “Байтерек” гурухи тарбиячилари Дил-фузза Мадумарова ва Фирузса Мирӯмароваларга миннатдорчилик изҳор этишиди.

З. АҲМАДЖОНОВ.
Тасвирида: тад-
бирдан лавҳа.

• Газетхон миннатдорчилик билдиради

СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ...

Мен анча йиллардан бўён иҷбӯруғ қасаллигидан азият чекардим. Танишларим менга 12-сонли шаҳар шифохонасида фаoliyat юритадиган гастроэнтэролог врач Нодира Раимжоновага учрашишимни айтишиди.

Нодира Икромжон қизининг сави-ҳароатлари билан ташҳис кўйилди ва ошқозон-ичакларидан яра борлиги аниқланди. Бу хасталикнинг номи – “корона” дейилларкан. Шу кундан бошлаб шифоронинг тавсияси билан муолажаларни бошладим.

Мана бугун, аввалио Худо, коловерса, малакали, ўз касбигиннинг моҳир устаси Нодира Икромжон қизи муолажаларни тифли дарддан фориб бўлдим.

Тўғри ташҳис – давонинг бирламчи босқичи, деб бежиз айтилмаган экан. Мен фур-сатдан фойдаланиб, инсон ҳайтига куч-кувати ато тувиши, ширин сўзлари билан дардимга даво улашган Нодира Раҳматуллаевага миннатдорчилик билдираман.

Раъно РАВШАНЖОН қизи.
Сайрам даҳаси.



ЭЗГУЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА



АУРУЛАРДЫң ҚАНДАЙ ТҮРЛЕРИН ЕРТЕ АНЫҚТАУ ҮШИН СКРИНИНГТЕР ЖУРГИЗЛЕДИ ЖЭНЕ ОҒАН ҚАНДАЙ ЖАС ТОПТАРЫ ЖАТАДЫ?

Скрининг – бўл белгилі бир жастаги немесе санаттаги сау адамдарды профилактика-лық медициналық тексеруден ёткизу, қауипти факторлар мен аурупарды ерте сатысында анықтау.

Скринингтер белгилі бир аурупарга жэне белгилі бир жас топтарына ёткизилди.

Аурупар:

● Мінез-құлықтық төүекел факторлары (30 жастан бастап 70 жасқа дейнгі ерлер мен айелдер).

● Артериалық гипертонияны, жүректің ишемиялық ауруын жэне қант диабеті (40 жастан бастап 70 жасқа дейнгі ерлер мен айелдер).

● Глаукома (40 жастан бастап 70 жасқа ерлер мен айелдер).

● Жатыр мойны обыры (30-дан 70 жасқа дейнгі және одан да улкен жастаги айелдер).

- Сут бези обырын қатерлі ісіри (40-тан 70 жасқа дейнгі және одан да улкен жастаги айелдер).
- Колоректалды обыр (50-ден 70 жасқа дейнгі және одан да улкен жастаги ерлер мен айелдер).

- В және С вирустық гепатиттері (медицина қызметкерлері, жүкті айелдер және тб.).

- Ауыл тұрғындары үшін қосымша ауруптар бойынша скрининг жүргізіледі.

Скринингтөн өтүшін мекен жай бойынша тіркелген емханага хабарласу керек. Ол үшін әр емханада скринингтік бөлмелер бар.

Әзірізбен бірге жеке күөлік болуы міндетті.

Санжар КАРИМОВ,
Сайрам аудандық
“Қарабұлақ” ауруханасының
профилактикалық
бөлім меншерушісі.

МЕКТЕП МЕДИЦИНАСЫНА ҚАРЖЫЛАНДЫРУ АРТЫП КЕЛЕДІ

Балалардың денсаулығы – ел даму-ның маңызы басындықтарының бірі. Сондайтан мемлекет есебінен МӘМС жүйесінде жөнілдік санат ретінде сақтаңдырылған. Тегін медициналық қызметтер балаларға көрмен шарт жасасқан медициналық үйімдер тарағынан көрсетіледі.

Мектеп оқушылары мен мектепке дейнгі мекемелердің медициналық қамтамасыз етілуін үйімдастыру туралы ойлайтындар аз. Мектеп медицинасы білім беру үйімдарында, яғни тікелей мектептерде, балабақшаларда, шағын орталықтарда немесе басқа да білім беру үйімдарындағы балаларға медициналық қызмет көрсетуді көздейді.

Қорда атап өткендей, мектеп медицинасының мәні – білім беру үйімдарындағы балаларды қажетті медициналық қызметтермен

қамтамасыз ету. Бұл жұмыс мектеп немесе балабақшашақтасаң қамақта қарасты ем-хана жауапкершілігінде болады. Ол үшін мектепте медицина қызыметкерінің жабдықталған кабинеттері бар арнайы қызмет қырылады. Профилактикалық тексеру немесе вакцинация жүргізу үшін тексереке тиесті профильдегі дәрігерлер көледі. Мұндай іс-шаралар алдын-ала жоспарланады және ата-аналар олар туралы хабардар етіледі.

Осылайша, мектеп медицинасы мектеп оқушыларының денсаулық жағдайын үздіксіз ба-қылауды қамтамасыз етуге және қажет болған жағдайда уактыны алғашқы көмек көрсетуге мүмкіндік береді.

«Нұрлы Мед» медицина орталығы. Сайрам ауданы, Қарағаш ауылы.

